

# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

## ЎЎЗА НАВЛАРИ НИЎОЛЛАРИНИНГ УНИБ ЧИЎИШИГА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ

Ў. Р. Юсупов

Ўқитувчи Урганч давлат университети, Урганч

### Аннотация:

Ушбу мақолада Хоразм вилояти тупроқ иқлим шароитида экилаётган янги истиқболли Султон ва S-8294 ўза навлари ниолларининг униб чиқишига кўчат қалинлигининг таъсири ўрганилади.

**Калит сўзлар:** Хоразм вилояти, Султон, S-8294, ўза, чигит, нав, вариант, кўчат қалинлиги, экиш схемаси, унувчанлик, дала унувчанлиги.

### Аннотация:

В данной статье было изучено влияние загущения рассады на всхожесть новых перспективных сортов Султан и S-8294, посаженных в почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

**Ключевые слова:** Хорезмская область, Султан, S-8294, хлопок, семена, сорт, вариант, толщина всходов, схема посадки, плодородие, плодородие поля.

### Abstract:

This article studies the effect of seedling density on the germination of seedlings of the new promising Sultan and S-8294 cotton varieties grown in the soil and climatic conditions of Khorezm region.

**Keywords:** Khorezm region, Sultan, S-8294, cotton, seed, variety, variant, seedling thickness, planting pattern, fertility, field fertility.

Қишлоқ хўжалиги учун сарфланаётган ички ва ташқи инвестиция харажатлари етиштирилган маҳсулот ҳисобига қопланиши ва қишлоқ аҳолиси учун даромад манбаи бўлиши керак. Бу мақсадга эришиш учун албатта самарали технологиянинг қишлоқ хўжалигига кириб келиши билан боғлиқ. Самарали технологиялар таркиби кам суғориш, кам техника харажати, кам



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

уруғлик сарфлаш усуллари ва бошқалар ташкил этади. Уруғлик чигитнинг ҳар бир килограмми 5000 сўм атрофида, агар элита уруғлиги бўлса 150% юқори ҳисобланиши мумкин. Шунинг учун ҳам уруғлик сарф харажатларни такомиллашган иқтисодий барқарорлаштириш учун кўчат қалинлигини оптимал меъёрларига экиш керак. Чигит сарфининг оптимал меъёрларини аниқлаш учун туманлаштирилаётган навлар учун ҳар хил кўчат қалинлиги вариантлари, тажрибалари ёки олимлар тавсияномаларини чуқур ўрганиб эришиш керак. Ўзбекистон иқлим шароити тупроқ хусусиятлари, ер тузилиши, хўжалик ишлаб чиқариши ва саноат талабларига янада тўлароқ жавоб берадиган серҳосил, тезпишар, касалликка чидамли, тола чиқиши ва тола сифати юқори бўлган навлар етиштириш борасида илмий амалий ишлар кизгин давом этмоқда. Пахтакор хўжаликларига экиш учун тавсия қилинган туманлаштирилган ғўза навларидан ҳар жиҳатдан устун, яхши навлар етиштириб, уларни ўзига хос хусусиятлари ва етиштириш агротехникасини ўрганиш фикримиз заминидир.

Ғўза навларини турли экиш схемасида экилганда ниҳолларнинг тўлиқ униб чиқиши, тажриба майдончаларда тўлиқ кўчат олиш муҳим ҳисобланади. Бунга кўра чигитнинг униб чиқиши, унинг униб чиқиш энергиясига, қувватига, биологиясига, тупроқ иқлим шароитига, тупроқ намлигига, хароратига, чигит экилиш меъёри ва муддатига боғлиқ ҳисобланади.

Маълумки ғўза уруғининг дала унувчанлиги муҳим сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, уруғларнинг биологик ва хўжалик қийматларини ифодаловчи белги ҳисобланади. Чигитнинг униб чиқиши мураккаб жараён ҳисобланиб, бунда чигит нисбий тиним ҳолатидан актив ҳаёт фаолиятига ўтади, у ўсимта ҳамда майса ҳосил бўлиши билан тугалланади. Илмий адабиётларда келтирилишича, заҳира моддаларини йиғиш жараёни тўлиқ тугалланган чигитларда дала шароитида унувчанлик бўйича энг юқори кўрсаткич намоён бўлади. Шу билан бирга, дала унувчанлиги билан ҳосилдорлик белгилари ўртасида кучли коррелятив боғланишлар мавжуд. Уруғлик чигитларнинг дала шароитидаги унувчанлигининг агрономик аҳамияти шундан иборатки, у кўчат қалинлигига таъсир қилиши билан бирга ҳар гектар майдондан юқори ҳосил олинишини таъминлайди.

Чигитни тупроқнинг табиий намлиги ҳисобига тўлиқ ундириб олишда экиш муддатларини таъсири сезиларли ҳисобланади. Бунда ерни экишга тайёрлаш



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

ҳамда чигитни унувчанлиги ўз таъсирини ўтказган ҳолда тупроқнинг табиий намлигига ундириб олинган нихоллар ўсув даврида ҳам яхши ўсиб ривожланишига замин яратилади.

Н. Ўразматов, Т.Турсунов [1] маълумотларига кўра, Ёзанинг ўсиши ва ривожланишга, ҳосилдорлигига таъсир эътувчи муҳим омиллардан бири бу кўчат қалинлиги ҳисобланиб, тупроқ унумдорлиги паст жойларда кўчат сийрак бўлса, айрим ёза туплари бақувват бўлиб ривожланади ва уларнинг ҳар биридан юқори ҳосил тўпланади, аммо, гектаридан олинadиган умумий пахта ҳосил кам бўлади. Аксинча, ушбу майдонларда кўчат қалин кўп бўлса ёзанинг ўсиб ривожланиши маълум даражада сусаяди ва бу ҳосилдорликка салбий таъсир этади, лекин гектаридан олинadиган ялпи ҳосил миқдори юқори бўлади. Лекин, кўчат қалинлиги ҳаддан ташқари кўп бўлса ҳосилдорлик кескин камайиб кетиши мумкин.

Шу сабабли ҳар бир тупроқ иқлим шароити учун мақбул кўчат қалинлигини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Юқоридаги фактларни инобатга олган ҳолда далага унувчанлиги 98-100% бўлган супер элита уруғлари экилиб, чигитнинг униб чиқишини барча йиллар бўйича ўрганилиб борилди.

Биз тажрибаларимизни Хоразм вилояти ПСУ ва ЕАИТИ Хоразм ИТС шароитида ёзанинг янги истиқболли Султон ва С-8294 ёза навларини илгаритдан экиб келинаётган Хоразм-127 ёза навига таққослаган ҳолда уруғларини унуб чиқишига кўчат қалинлигининг таъсирини ўргандик. Ўтказилган дала тажрибаси 13 вариантдан иборат бўлиб, 4 та такрорланишда 1 ярусда жойлаштирилди. Тажриба вариантлари 8 қатордан иборат бўлиб, қатор ораси 60 см кенгликда ва ҳар бир вариант узунлиги 50 метрда бегилаб олинди, шунда бир делянка майдони 240 м<sup>2</sup> ни ташкил этган ҳолда ҳисобга олинadиган майдон 120 м<sup>2</sup> ни ташки этди. Тажрибанинг умумий майдони 12500 м<sup>2</sup> ни ташкил этди.

Ёза чигитлари 2021 йил 21-апрел санасида экилиб, униб чиққан чигитлар ҳисобга олиб борилди.



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

1- Ғўза чигитини униб чиқишига кўчат қалинлигининг таъсири, (%) 2021 йил.

Ва р	Навлар	Экиш схемаси	Чилпиш муддатлари	24.04	27.04	30.04	03.05	06.05
1	Хоразм-127	60x15-1	12-14	12,2	22,5	57,3	86,1	95,2
2	Султон	60x12-1	10-11	11,5	21,1	56,9	85,3	94,9
3			12-14	12,1	22,8	56,7	84,9	94,8
4			15-16	11,8	22,7	56,5	84,8	94,5
5	60x15-1	10-11	11,3	21,9	57,5	84,9	94,4	
6		12-14	11,9	21,7	57,1	85,8	94,8	
7		15-16	11,8	21,8	57,3	85,5	94,7	
8	S-8294	60x12-1	10-11	12,2	22,5	58,1	85,8	94,5
9			12-14	12,1	22,6	57,9	85,3	94,7
10			15-16	11,9	22,4	57,8	85,7	94,6
11		60x15-1	10-11	11,8	22,3	58,1	86,0	94,6
12			12-14	12,2	22,5	58,8	85,7	94,8
13			15-16	12,0	22,3	57,9	85,4	94,7

Ўтказилган (2021 йил) тадқиқотларимизни маълумотиغا кўра, тажрибадаги чигит экилгандан 3-4 (24.04) кун ўтиб аниқланганда 1-вариант (назорат) даги Хоразм-127 навини 60x15-1 экиш схемасида экилганда 12,2% униб чиққан бўлса, Султон навида ушбу схемада экилганда 11,3-11,9% гачани, 60x12-1 экиш схемасида экилганда эса 11,5-12,1% ни ташкил этди. Тажрибадаги кейинги S-8294 навида бу кўрсаткич тегишли равишда 11,8-12,2% ва 11,9-12,2% униб чиққанлиги маълум бўлди. Бундан кўриниб турибдики тажрибадаги ўрганилган иккала навда ҳам уялар сони зичлашганда қисман бўлсада чигитни униб чиқишини бошланишига ижобий таъсир ўтказганлигини кўриш мумкин.

Тажрибадаги барча вариантларда хар 3-4 кун оралатиб чигитни униб чиқиши аниқлаб борилди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, тажрибадаги барча навлардан экилгандан 14-15 кун ўтгандан кейин тўлиқ ниҳол олишга эришилиб, Бунга кўра Хоразм-127 нави 60x15-1 экиш схемасида экилганда (06.05) 95,2%, Султон нави 60x12-1 кўра экиш схемасида экилганда (06.05) 94,5-94,9%, 60x15-1 экиш схемасида экилганда (06.05) 94,4-94,8%, S-8294 нави 60x12-1 кўра экиш схемасида экилганда (06.05) 94,5-94,7%, 60x15-1 экиш схемасида экилганда (06.05) 94,6-94,8% униб чиққанлиги аниқланди. Бундан кўриниб турибдики хар уччала навнинг ҳам дала унувчанлиги юқори



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> May - 2024

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

бўлганлиги, экиш муддатлар ҳамда тупроқ намлиги меъёрида бўлганлиги хисобига тўлиқ ниҳол олишга эришилди (1-жадвал).

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, нисбатан кўчат кўпроқ қолдирилиши режалаштирилган майдонларда униб чиқиш сурати юқори бўлди. Шундай бўлишига қарамасдан тажриба олиб бориш учун барча ғўза навларида ҳам чигит етарлича ундириб олиниб, тўлиқ ниҳол олишга эришилди.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўразматов Н., Турсунов Т. Янги, истиқболли ғўза навлари кўчат қалинлиги ва озуқа тартибларининг пахта ҳосилдорлигига та'сири. «Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари». Тошкент: 2004. 139 б.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE  
SERIES